

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВ ҒАЙРАТ

**ТАРИХИЙ РОМАННИНГ МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР
УЙҒУНЛИГИ МУАММОЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Science**

Муродов Ғайрат

Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги
муаммолари 3

Муродов Ғайрат

Проблемы синтеза общности и своеобразия исторического романа 37

Murodov Gayrat

The problems of the harmony of the similarities and peculiarities of the historical
novel..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 76

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВ ҒАЙРАТ

**ТАРИХИЙ РОМАННИНГ МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР
УЙҒУНЛИГИ МУАММОЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fil.61 рақам билан рўйхатга олинган.

Тадқиқот Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Назаров Бахтиёр Аминович
филология фанлари доктори,
академик

Расмий оппонентлар:

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори

Умуров Ҳотам Икромович
филология фанлари доктори, профессор

Тўраев Дамин
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида ўтказилади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit@uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д., академик.

Р.Баракаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Н.Ф.Каримов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., академик.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замоनावий тараққиёт, ижтимоий, маданий, илмий тафаккур тадрижи ютуқлари асосида бадиий адабиёт тарихини теран ва атрофлича тадқиқ этиш, сўз санъати оламида ёрқин из қолдирган етук бадиий яратмаларнинг адабий-поэтик хусусиятларини илғор усуллар асосида тадқиқ этиш зарурияти жаҳон адабиётшунослиги кун тартибидаги бирламчи масалалардандир. Янги даврда инсоният маданияти, илм-фани, бадиий тафаккурининг янада юқори босқичга кўтарилиши, инсон руҳиятининг теранлашиши, мураккаблашиши, ер юзидаги халқларнинг бир-бирлари билан бўлган алоқа-боғланишларининг кучайиши дунё сўз санъати бадиий оламида жиддий ўзгариш-эврилишларни юзага келтирмоқдаки, бундай хусусиятларни тадқиқ этиш адабиёт илмининг долзарб вазифаси бўлиб қолаётир.

Жаҳон адабиётшунослиги олдида янгича тараққиёт ва замоनावий илмий тафаккур ҳозирги давр учун долзарб вазифаларни қўймоқда. Хусусан, XX асрда ўзбек адабиётига кириб келиб, миллий адабий-бадиий анъаналар, тажрибалар ҳамда жаҳон сўз санъатининг илғор изланишларини ўз бадиий оламида уйғунлаштирган тарихий романнинг бадиий-тарихий манбалари, “ички” (миллий адабиёт), “ташқи” (жаҳон адабиёти) алоқа-боғланишлари, бадиий структурасининг ўзига хослиги, ривожланиш йўллари, омиллари каби масалаларни ўрганиш, шу асосда муайян илмий-назарий хулосаларга келиш муҳим аҳамият касб этаётир.

Адабиётлараро жараёни, хусусан, Марказий Осиё адабиётларининг бадиий алоқа-боғланишларини ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммоси бўлиб қолаётир. Айниқса, йигирманчи асрнинг биринчи чорагида буюк адиб Абдулла Қодирий асос солган “янги романчилик мактаби”ни юзага келтирган маданий-маърифий, адабий-эстетик шарт-шароитлар, унинг тараққиёт йўли, бадиий-эстетик хусусиятларини жаҳон ва айрим худуд (Марказий Осиё) адабиёти доирасида тадқиқ этиш ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари сирасига киради. Бундай тадқиқотлар, биринчидан, улкан сўз санъаткори А.Қодирий бадиий даҳоси, эпик тасвир борасидаги маҳорати қирраларини ойдинлаштириш, иккинчидан, миллий тарихий романчиликка хос устувор тамойил ва бадиий-эстетик хусусиятларни аниқлаш, адабий-бадиий жараён босқичлари ҳамда айрим бадиий матнлар орасидаги алоқа-туташувлар, муносабатларни аниқлаш, шу асосда тарихий роман ривожини, эстетик-поэтик хусусиятлари, тарихий ва бадиий ҳақиқат орасидаги мувофиқлик ва тафовутлар, тарихий роман шакллари ҳақидаги қарашларни ривожлантириш, учинчидан, А.Қодирий ёки ўзбек романчилик мактабининг бошқа миллий адабиётлар доирасига кириб бориши ва уларга кўрсатган таъсир даражасини белгилаш имкон яратади. Бу эса атоқли аллома Е.Э.Бертельс томонидан жаҳон адабиётида “ўзбек романчилик мактаби” деб баҳоланган ноёб адабий-эстетик ҳодисанинг бир адиб (Абдулла Қодирий) ижоди билан чекланмаганлиги, ўсиб-ривожланиб бориб айрим сўз санъати (ўзбек адабиёти), шунингдек, Марказий Осиё

бадий майдонига ўз таъсирини ўтказганлиги ҳақидаги қарашни исботлашга ёрдам беради. Адабиётлараро алоқа-боғланишлар халқлар орасидаги дўстлик-биродарликнинг ёрқин аломатидир. Зеро, “Биз жаҳондаги барча давлатлар, аввало, яқин кўшниларимиз бўлган Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар билан яхши кўшничилик ва ўзаро дўстлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармони, 2016 йил 30 декабрдаги мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндалари билан мулоқоти, 2017 йил 12 январдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва яна бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажаришда ушбу иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.”Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Тарихий романнинг бадий-поэтик хусусиятлари, унинг жаҳон адабиётидаги ўрни, ғоявий-бадий тадрижи ва такомилли, маърифий-эстетик аҳамияти, таснифи, муштараклик ва ўзига хослик жиҳатлари жаҳондаги муайян илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети, Россия давлат гуманитар университети, Уфа

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 8-бет.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи <http://www.dictionary.com/browse/historical-novel>; <https://www.britannica.com/art/historical-novel>; https://simple.wikipedia.org/wiki/Historical_novel; <https://www.publishersweekly.com/pw/by-topic/industry-news/tip-sheet/article/64137-10-best-historical-novels.html>; https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/fulllist/special/english19thcentnovel/john_bowen_-_the_historical_novel.pdf; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razvitiya-i> <http://www.dissercat.com/storicheskogo-romana-v-kyrgyzskoy-literature>; <http://www.russ.ru/Mirovaya-povestka/Russkij-istoricheskij-roman-i-problema-obschestvennogo-vybora;linguistics-konspekt.org/content=303> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети (РФ), Киев миллий университети (Украина), Columbia University, University of Texas, Washington University (АҚШ), Карабук университети (Туркия), Озарбайжон Фанлар академияси Адабиёт институти (Озарбайжон), Белоруссия давлат университети (Белоруссия), шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар яратилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида тарихий роман, хусусан, ўзбек тарихий романи, унинг муштараклик ва ўзига хослик жиҳатлари муаммолари нуқтаи назаридан қуйидаги илмий натижаларга эришилган: тарихий романчиликда миллий характер яратишнинг аҳамияти, мозий ва шахсинг этник хотираси, бадиий матнда миллий тарих концепцияси кўрсатилган; тарихий роман мустақил жанр сифатида баҳоланган, тарихийлик тушунчаси шарҳланган, миллий роман хорижий адабиёт намуналари билан қиёсланган, рус адабиётида “Вальтер Скотт романи”нинг шаклланиши жараёни ёритилган; рус ва қозоқ адабиётларида яратилган тарихий романлар қиёсий-типологик тадқиқ этилган; тарихий роман генезиси ва бадиий тараққиёти ёритилган (Москва давлат университети, Россия давлат гуманитар университети, Уфа давлат университети). Украин ва хорижий муаллифларнинг тарихий романларидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлар ёритилган, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима уйғунлиги муаммолари белгиланган, тарихий роман шаклланишида фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналарининг аҳамияти очиб берилган (Киев миллий университети). Тарихий романчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, унда мозий ҳақиқатини бадиий акс эттириш муаммолари, тарихий ромanning жанрий-поэтик аломатлари, унинг адабий-бадиий оқимлар контекстидаги ўрни, қахрамон тасвиридаги миллий ва умуминсоний хусусиятларнинг илмий-назарий асослари қайд этилган (Белоруссия давлат университети). Биринчи ўзбек романи структурал методлар асосида ўрганилиб, тарихий-генетик асослари очиб берилган; А.Қодирий ва С.Айнийнинг ўтмиш ҳақидаги йирик асарлари ўзаро қиёсланган ҳамда уларнинг Марказий Осиё адабиётларида реалистик метод ривожланишидаги ўрни кўрсатилган; “Ўткан кунлар”да миллий турмуш, хусусан, оила тасвири, мумтоз мавзуларнинг янги талқин этилиши, ўтмиш ва келажак орасидаги боғлиқлик муаммолари ёритилган (Washington University, Columbia University, University of Texas). Марказий Осиё тарихий романлари жаҳон ва мазкур ҳудуд адабиёти доирасида қиёсланган (Карабук университети, Туркия). Тарихий романда характер тасвири, тарихий шахс ва бадиий образ орасидаги мутаносиблик ва фарқли жиҳатлар, туркий адабиётлардаги муштараклик муаммолари ойдинлаштирилган (Озарбайжон Фанлар академияси Адабиёт институти). Миллий тарихий ромanning юзага келиши сабаб ва омиллари, тараққиёти, тарихий шахс ва бадиий тўқима, тарихий романда шахс концепцияси, жаҳон адабиёти ва ўзбек тарихий романчилиги орасидаги алоқа-муносабатлар муаммолари ёритилган (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети).

Жаҳон адабиётшунослигида бугунги кунда романда Шарқ ва Ғарб адабий-бадий аъналарининг уйғунлашиши; “Вальтер Скотт романи”нинг жаҳон адабиётидаги тараккиёт босқичлари; тарихий романда инсоният ва муайян миллат ўтмишини бадий ифодалаш тамойиллари; йирик эпик шакл намуналарида тарихий шахс образини яратишда адабий-бадий аъналарнинг ўрни ва аҳамияти сингари долзарб йўналишларда тадқиқотлар олиб борилапти.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Адабиётшуносликда тарихий роман генезиси, ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари, поэтикаси, таснифи хусусида бир қанча ишлар яратилган¹.

Айтиш лозимки, бундай тадқиқотларнинг кўпчилиги собиқ совет даврида юзага келди ва, табиийки, уларда оз ёки кўп даражада ўша тузумнинг таъсири ёхуд тазйиқи мавжуд. Шу билан бирга, бундай тадқиқотларда адабиётшунослик учун илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган муҳим қараш, фикр-мулоҳазалар ифода этилганини эътироф этиш лозим.

Миллий мустақиллик ҳамма соҳалар каби адабиётшуносликда ҳам янги имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берди. Адабиёт илмига янги илмий усуллар кириб келмоқда, бадий матнни жаҳон илмий-назарий тафаккури мезонлари асосида таҳлил этишга интилиш, ҳаракатлар кучайиб боряпти.

М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Мирвалиев, Х.Умуров, Д.Тўраев, Б.Каримов, Д.Қуронов каби олимларнинг ишларида адабий жараёнда роман, хусусан, тарихий романга хос бадий-поэтик хусусиятлар муайян илмий-назарий масалалар нуқтаи назаридан ёритиб берилган.

У.Норматовнинг “Қодирий боғи”, “Қодирий мўъжизаси” китоблари ва баъзи мақолаларида илк ўзбек романларининг генетик-бадий манбалари, “ички” ва “ташқи” алоқа-боғланишлари, С.Мирвалиевнинг А.Қодирийга бағишланган монографиясида илк ўзбек романлари ҳақида муайян фикр ва қарашлар ўз ифодасини топган. Кейинги йилларида адабиётшунос Б.Каримов янги романчилик мактаби асосчиси А.Қодирий ижоди ҳақида бир қанча тадқиқотлар яратди. Ушбу ишларда бадий матнга янгича ёндашиш, ички

¹Алиев А. Исторические романы А.Кадири: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Петров С. Русский исторический роман XIX века. – М.: Худ. лит., 1964; Долгов С.Ф. Типология художественного конфликта в современном историческом романе. – Ташкент: Фан, 1990; Ауэзова Л. Исторические основы эпопеи “Путь Абая”. – Алма-ата: Наука, 1969; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: Дисс. ... д-ра филол. наук. - Ташкент, 1985; Леонтович О.В. Исторический роман в творчестве писателей Туркменистана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ашхабад, 1978; Мирвалиев С. Ўзбек адабиётида роман жанрининг таркиб топиши ва тараккиёти: Филол. фан. д-ри ... дис. - Тошкент, 1971; Прашкович Л. Белорусский исторический роман (становление жанра): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Минск, 1977; Сайган Н. М. Молдавский исторический роман: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саранск, 1977; Сериқалиев З. Некоторые вопросы современного казахского исторического романа: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1969; Смигулова М.К. Мастерство Нурпеисова – романиста: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1979; Умуров Х. Проблема психологизма и узбекский роман: Дисс. ... д-ра филол. наук. - Ташкент, 1983; Цицкарадзе В. К вопросу о грузинском историческом романе XX века: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - Тбилиси, 1966; Чумак В.Г. Украинский советский исторический роман 60-80-х годов (проблема исторической и художественной правды): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - Киев, 1989; Шермухаммедов П. Барчадин яхшироқ ҳаёт гули. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.

қатламлардаги яширин фикрларни уқиш ва кашф этиш хусусиятлари акс этади. Д.Қуронови номзодлик ва докторлик диссертацияларида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи мисолида адабиётшуносликдаги янги нуқтаи назар ва усуллар воситасида буюк адибнинг поэтик маҳорати жаҳон сўз санъати билан алоқадорликда очиб берилган¹.

Истиқлол даврида миллий сўз санъатига хос хусусиятлари жаҳон адабиёти аспектида таҳлил этиш тамойили кучайди. Адабиётшунослигимизга “адабиётлараро муштараклик” тушунчаси кириб келди ва бу соҳада бир қанча тадқиқотлар яратилди. М.О.Шарафиддинованинг “Узбекская проза XX века в контексте мировой литературы”, “Стилистические своеобразие романа Абдуллы Кадыри “Минувшие дни” в контексте национальной и мировой традиций” тадқиқотларида илк ўзбек романи ҳамда “Кеча ва кундуз” жаҳон адабиёти доирасида текширилиб, муҳим илмий-назарий хулосаларга келинган².

Сўнги йилларда замонавий адабий жараён, наср, роман, тарихий роман, шунингдек, адабий-бадий муштаракликка оид бир қанча докторлик ва номзодлик диссертациялари юзага келдики, булар бевосита ёки билвосита ушбу тадқиқотимиз объекти ва предметида дахлдордир³. Мазкур ишлардан

¹Қўшжонов М. Ўзбекининг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994; Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: O`zbekiston, 2010; Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан 2004; Карим(ов) Б. Абдулла Қодирий. - Тошкент: Фан, 2004; Карим(ов) Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. - Тошкент: Фан, 2006; Карим(ов) Б. Қодирий насри – нафосат касри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014; Карим(ов) Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент: Akademnashr, 2015. Куранов Д. Психологизм характеров романе Чулпана “Ночь и день”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1990; Қуронови Д. Чўлпон поэтикаси (назрий асарлари асосида): Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент, 1998.

²Шарафуддинова М.О. Узбекская проза XX века в контексте мировой литературы. – Ташкент: Фан, 2008; Шарафуддинова М.О., Саидов А.Х., Мирза-Ахмедова П.М. Художественная и критическая мысль в контексте национальной и мировой традиции. – Ташкент: Фан, 2009.

³Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараккиятининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80 йиллар): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараккиёти тамойиллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. - Тошкент, 2003; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. - Тошкент, 2012; Холмуродов А. Одил Ёқубов романларида психологизм: Филол. фан. номз. ... дисс. - Тошкент, 1991; Самандаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1992; Шоназаров Ю. 20-30 йиллар ўзбек ва тожик романларида характер яратишнинг баъзи масалалари (киёсий ва киёсий-типологик аспектларда): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1992; Махмудова З. Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романининг миллий ўзига хослиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. - Тошкент, 1996; Қурбонов Т. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. - Тошкент, 1997; Қаҳрамонов А. “Меҳробдан чаён” романи поэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер рухиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Юнусова Г. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадий талқини: Филол. фан. номз ... дисс. - Тошкент, 2005; Тўйчиева Ш. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида ижодкор дунёқараши ва бадий услуб муаммолари: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Косимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А. де Сент-Экзюпери ва А. Камю ижоди мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф.: – Фарғона, 2007; Касимова З. Концепция мира и человека сквозь призму традиций национальной и мировой литературы: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 2011; Акобирова С. Американская литература и Восток (на примере первой половины XX века): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 2002; Камилова С. Нравственно-психологические искания в художественной литературе 70-90-х годов XX века (на материале произведений В. Распутина и А. Якубова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 2008.

А.Қосимов, З.Қосимованинг докторлик, С.Акобирова, С.Комилованинг номзодлик тадқиқотлари типологик ўхшашликлар, қиёсий адабиётшунослик масалаларига бағишланган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасидаги “Ёзувчи индивидуал услуби ва маҳорати хусусиятларини очиш ва умумлаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср давомида шаклланиб, ривожланиш йўлига кирган ўзбек тарихий романчилигининг ривожланиш тамойилларини аниқлаш, янги романчилик мактаби бадиий-поэтик тараққиётининг “ички” (миллий адабиёт) ва “ташқи” (жаҳон адабиёти) алоқа-муносабатларини ойдинлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буюк сўз санъаткори А.Қодирий асос солган янги романчилик мактабининг юзага келиши ва унинг адабий-бадиий анъаналари дастлаб ўзбек, кейин эса Марказий Осиё романчилиги тараққиёт йўлини белгилаб берганини илмий-назарий, қиёсий-типологик асосда ёритиш;

А.Қодирий тарихий роман бадиий қурилмасини жиддий ислоҳ қилиб, янгича роман шаклини юзага келтирганини қиёсий-типологик таҳлил жараёнида ёритиш;

XX аср Марказий Осиё, хусусан, ўзбек тарихий романчилиги тараққиёти босқичлари ва йўлларини тадқиқ қилиш, ҳукмрон (шўровий) мафкура, дунёқарашнинг бадиий адабиёт, бадиий матнга салбий таъсирини кўрсатиш;

тарихий романнинг алоҳида шакли бўлган анъанавий тарихий роман (“Вальтер Скотт романи”)нинг ўзига хос бадиий-поэтик аломатларини ва унинг миллий адабиётимиздаги сифат эврилишларини ойдинлаштириш;

“Ўткан кунлар” романининг жаҳон, хусусан, Марказий Осиё эпик адабиёти намуналари билан адабий-поэтик алоқалари ҳамда А.Қодирий романчилик тажрибасининг етакчи, устувор хусусиятларини белгилаш;

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарларининг қиёсий-типологик тадқиқи давомида биринчи ўзбек романида Шарқу Фарб тажрибаларининг уйғунлигини кўрсатиш, бундай бирикиш роман бадиий оламини сифат жиҳатидан бойитгани, янгилаганини далиллаш;

тарихий роман реалистик адабиётнинг маҳсули, ҳосиласи эканлиги, шу билан бирга, унинг бадиий-структурал қурилмасида романтизм ижодий методининг айрим аломатлари, тасвир принциплари, оҳанг ва ранглари мавжудлиги очиб бериш;

миллий адабий-бадиий муҳитда тарихий-биографик романнинг юзага келиши, унинг жаҳон эпик адабиёти намуналари билан алоқа-муносабатлари, ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш босқичларини кўрсатиш;

роман бадиий оламида тарихий шахслар образи инъикоси таҳлили орқали мозий ва инсонни тасвирлашнинг бадиий-эстетик принциплари, қахрамон ва персонажлар тизими, характер структурасини ёритиш;

муайян тарихий романларнинг қиёсий-типологик, илмий-назарий таҳлили давомида миллий (Марказий Осиё) адабиётларга хос муштарак бадиий-поэтик манба, тамойил, қонуниятларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот манбаси сифатида миллий тарихий романчиликнинг айрим намуналари (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Дохунда”, “Қуллар”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”) танлаб олинди. Таҳлил давомида ишнинг илмий концепциясига мувофиқ равишда ушбу бадиий манбалар билан алоқадор бўлган Марказий Осиё романчилигидаги муайян йирик эпик асарлар (“Абай йўли”, “Қорақалпоқ достони”, “Қон ва тер”) ҳам таҳлил қилинган. Бу бадиий манбалар тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда танланиб, ўзаро, шунингдек, жаҳон адабиётининг маълум бир намуналари билан қиёсий аспектда ўрганилди.

Тадқиқотнинг предметини йигирманчи асрнинг муайян босқичларида яратилган тарихий романнинг жанрий-поэтик хусусиятлари, ундаги муштараклик ҳамда ўзига хосликлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни ёзишда қиёсий-типологик, тарихий-функционал, аналитик ва, қисман, структур-семиотик, психоаналитик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

миллий тарихий романнинг бадиий олами, адабий-бадиий манбалари, тараққиёт омиллари ва муштараклик ҳамда ўзига хос жиҳатлари, Марказий Осиё адабиётларида юзага келган аксарият тарихий романлар А.Қодирий бошлаб берган романчилик мактабига дахлдорлиги белгиланган;

биринчи ўзбек романлари (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”), шунингдек, “Кеча ва кундуз”, “Дохунда”, “Қуллар”, “Қутлуғ қон” жаҳон адабиётида XIX асрда шаклланган анъанавий тарихий роман (“Вальтер Скотт романи”)га мансублиги аниқланган;

хар бир бадиий матн, шу жумладан, тарихий роман жаҳон (Шарқу Ғарб) адабиёти кўп асрлар давомида тўплаган бадиий-поэтик тажриба, ҳаракат, алоқа-боғланишлар маҳсули эканлиги ойдинлаштирилиб, фольклор жанрлари, айниқса, эпопея (эпос), Шарқ мумтоз адабиёти захираси, Ғарб (Европа) романчилиги ютуқларининг ўрганилаётган бадиий ҳудуддаги тарихий романларга таъсири белгиланган;

А.Қодирий, С.Айний, Ойбек, М.Авезов каби романнависларнинг эпик ижодида “монологик тафаккур”нинг устувор ўрни аниқланиб, ушбу бадиий-эстетик онг шаклининг Марказий Осиё адабиётларидаги етакчи мавқеи кўрсатилган;

А.Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”да “монологик ва полифоник тафаккур” уйғунлиги, бу ҳодисанинг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек тарихий романчилигида Ғарб эпик адабиётларида кенг тарқалган фрейдизм (психоанализ), “онг оқими” сингари бадиий усулларнинг инъикоси, уларнинг миллий бадиий замин, ҳудуд қонуниятлари, мезонлари билан уйғунлашуви кўрсатилган;

“Навоий”, “Абай йўли”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” йирик эпик асарлари тадқиқи жараёнида тарихий-биографик романнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг анъанавий тарихий романдан фарқли ҳамда муштараклик жиҳатлари қайд этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбек адабиётшунослигида илк бора миллий тарихий романнинг айрим намуналари (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Дохунда”, “Қуллар”, “Қутлуғ қон”)га нисбатан анъанавий тарихий (“Вальтер Скотт романи”) атамаси қўлланган ва унинг қўлланиш сабаблари изоҳланган;

М.Бахтиннинг “монологик тафаккур” назарияси адабиётшунослигимизда илк марта тарихий романларга нисбатан қўлланган ва миллий монологик романларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

Е.Э.Бертельснинг гипотеза тарзидаги “олтинчи романчилик мактаби” ҳақидаги қараши миллий романчилик материаллари асосида исботланган, мазкур романчилик мактаби дастлаб ўзбек адабиёти доирасида шаклланиган, кейин эса ўз бадиий ҳудудини кенгайтириб, Марказий Осиё адабиётлари аро муштараклигининг асосий йўналишига айланганлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммоларнинг аниқ белгиланганлиги, улар қиёсий-типологик ва тарихий-функционал усуллар асосида тадқиқ этилгани, жаҳон, хусусан, миллий сўз санъати тамойилларига асосланган ҳолда илмий-назарий хулосалар чиқарилганида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, даставвал, ўзбек тарихий романчилик мактаби алоҳида тадқиқ манбаси сифатида олиниб, унинг бадиий-поэтик тараққиёти, муштараклик ва ўзига хос хусусиятлари аниқ илмий-назарий концепция асосида очиб берилганида намоён бўлган. Айни жиҳат ишнинг ушбу йўналишда келажакда амалга оширилажак тадқиқотлар учун манбавий асос бўлишини таъминлайди. Ишдаги ўзбек адабиётида, шу жумладан, Марказий Осиё, тарихий романчиликнинг майдонга келиш, шаклланиш ва тараққиёти етакчи тенденцияларини ўрганиш асосида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар диссертациянинг илмий-назарий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек романчилик мактаби тарихини яратишда, олий таълим муассасалари филология факультетлари талабаларига тарихий роман назарияси бўйича махсус курс ва семинарлар ўтишда, ушбу фанлардан маъруза матнлари тайёрлашда, дарслик ва қўлланмалар яратишда қўлланиши билан белгиланади. Тадқиқот натижалари, шунингдек, ёш авлод маънавий камолотини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг тарихий роман бадиий оламида мужассамлашган муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги, ўзбек тарихий романининг вужудга келишига сабаб бўлган маданий-маърифий омиллар, мазкур жанр тури бадиий тараққиётининг асосий тамойиллари, ўзбек замонавий адабиётида тарихий романнинг вужудга келиши, унинг анъанавий тарихий роман ва тарихий-биографик роман каби шаклларига хос хусусиятлар, уларнинг бадиий-поэтик аломатлари, муайян бадиий матнлар таҳлили бўйича олинган натижалардан:

Бухоро давлат университетида бажарилган ОТ-ФЗ-090 “Жадид адабиёти – жаҳон илғор адабиётининг синтези сифатида” ва Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” фундаментал лойиҳаларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 89-03-1254-рақамли маълумотномаси). Натижада тарихий романнинг адабий-бадиий жараён тарихидаги ўрни, жанрий-поэтик хусусиятлари, миллий сўз санъатида тарихий романнинг юзага келишининг маданий-маърифий, адабий-бадиий омиллари, миллий тарихий романнинг жаҳон сўз санъати билан алоқа-боғланишлари ҳақида илмий-назарий хулосалар чиқарилган, тарихий романларнинг бадиий-поэтик манбалари ва тараққиёт тамойиллари, ўзига хос поэтикаси, ғоявий-композицион қурилиши, образлар таркиби, ижодкор маҳорати, тарихий ҳақиқатни, ҳужжатлилики ва психологизмни қай даражада акс эттириши сингари бир қатор муҳим ва долзарб муаммолар ечилган;

Марказий Осиё миллий адабиётларида яратилган тарихий романларнинг генетик-шажаравий омили бевосита Шарқ мумтоз сўз санъатига боғлиқлиги; А. Қодирий, С.Айний, М. Аvezов, Ойбек каби атоқли ижодкорларнинг йирик эпик асарларида Шарқ мумтоз адабиёти намуналари марказида турган комил инсон концепциясининг давом эттирилгани ва ривожлантирилгани; Шарқ мумтоз сўз санъати ва замонавий миллий адабиётларда яратилган комил инсон тимсолларининг таълим-тарбия жараёнидаги улкан аҳамияти ҳақидаги натижалардан Самарқанд давлат университетида бажарилган 7.4.13 “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 майдаги 89-03-1927-рақамли маълумотномаси). Натижада Шарқ мумтоз сўз санъати ва замонавий миллий адабиётларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, янги миллий адабиёт ривожланишида мумтоз сўз санъати устувор манба сифатида хизмат қилганлиги, комил инсон концепцияси ҳамма замонларда Шарқ сўз санъатининг асосий диққат марказида бўлганлиги, шундай баркамол шахс образи ёш авлод тарбияси ва такомиллида муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги илмий-назарий қарашлар билан бойитилган;

диссертация асосида нашр этилган “Мозий ва бадиий адабиёт” (1994), “Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти” (2005) монографияларидаги умумлашма фикрлардан Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институтининг “*Ўzбек әdәbiyyatә (әdәbi portret cizgilәri, ayaudәrmalar, mьsahibәlәr*”; II. “*Әdәbi сәрәyanlarәn yeni tәmayьllәri*”; III, “*Abdulla Qәdiri: 1. “Abdulla Qәdiri vә Azәrbaycan әdәbiyyatә*”, 2. “*Abdulla Qәdiri: tәnqid, tәhlil vә yәrhlәr*”) илмий лойиҳа ҳамда тадқиқотларида истифода этилиб, диссертациядаги ўзбек адабиётида анъанавий тарихий романнинг юзага келиш сабаблари ва унинг ўзига хос жиҳатлари, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларининг ўхшашлик жиҳатлари, адабий-бадиий анъаналар ва тарихий роман жанрининг инкишофи, тарихий роман жанрида эпик тафаккур тараққиёти ҳақидаги хулосалардан фойдаланилган (Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Адабиёт институтининг 2018 йил 24 мартдаги 12-рақамли маълумотномаси). Шу асосда ўзбек адабиётининг

туркий халқлар тарихий романчилиги билан алоқа-муносабатлари, биринчи ўзбек романларининг бадиий-генетик манбалари, уларнинг жаҳон эпик адабиётидаги ўрни ва аҳамияти, тарихий шахс ва бадиий образ орасидаги алоқадорлик, анъанавий тарихий роман ва тарихий-биографик роман орасидаги ўхшаш ва тафовутли жиҳатлар ҳақидаги хулосалар билан бойитилган;

ўзбек адабиётида тарихий романнинг юзага келиши, Абдулла Қодирий романларининг ўзига хослиги, роман-диалогия, роман-трилогия каби бадиий шаклларнинг мозийни акс эттиришдаги имкониятлари, ўзбек тарихий романчилик анъаналарининг Марказий Осиё тарихий романчилигида давом эттирилиши ҳақидаги хулосалардан Туркия Жумҳурияти Карабук университети “Ўзбек адабиёти”, “Матн шарҳи”, “Илмий тадқиқот усуллари” фанлари ҳамда Илмий тадқиқотлар лойиҳалари координаторлигининг давлат гранти асосидаги KBUBAP-17-YL-184 рақамли “Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романининг таҳлили” мавзусидаги илмий лойиҳасида фойдаланилган (Карабук давлат университетининг 2018 йил 9 апрелдаги 008/6-сон маълумотномаси). Натижада жаҳон насри тараққиётида Абдулла Қодирий ижодининг ўзига хос мавқеи, ўзбек тарихий романчилигининг бадиий-поэтик тараққиёти, миллат тарихида ёрқин из қолдирган тарихий шахслар образининг йирик эпик шакл намуналарида ифодаланиши, роман-диалогия, роман-трилогиянинг мозийни бадиий акс эттиришдаги имкониятлари, тарихий замон ифодасидаги алоҳида жиҳатлар, тарихий романнинг ўзига хослиги ҳамда бошқа жанрлар билан муштараклиги ҳақидаги умумлашма-хулосаларга келинган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг “Адабиёт дарси”, “Муносабат”, “Адабий муҳит” каби телекўрсатув ва радиоэшиттиришларида тадқиқотчи томонидан тавсия этилган миллий ва жаҳон тарихий романчилигининг сара намуналари ҳақидаги хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг 2018 йил 9 январдаги 1/9-рақамли маълумотномаси). Натижада “янги романчилик мактаби”нинг маърифий-эстетик аҳамияти, ёш авлод тафаккури ривожига, дунёқарашининг такомилида миллий романларнинг, хусусан, А.Қодирий эпик меросининг юксак аҳамияти, миллий насрнинг жаҳон сўз санъатидаги алоҳида ўрни хусусидаги хулосавий фикр-қарашлар оммалашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 4 та халқаро конференция ва 6 та республика илмий-назарий анжуманларида ўқилган маърузаларда жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича жами 40 та иш эълон қилинган бўлиб, улардан 2 таси монография ва 2 таси рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий натижаларини нашр этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13 таси республика, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, 4 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, ҳажми 248 саҳифани ташкил этади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи – **“Анъанавий тарихий романнинг ўзига хослиги ва муштараклик хусусиятлари”** боби уч фаслдан иборат.

“Тарихий романининг ўзига хослиги; биринчи ўзбек романининг бадий-концептуал олами” деб номланган илк фаслда мозий бадий ифодаланган йирик эпик асарлар ҳақидаги ишларга муносабат билдирилиб, тарихий романнинг юзага келиши омиллари, тараққиёти, ўзига хос бадий-поэтик хусусиятлари, белги-аломатлари ойдинлаштирилган.

Адабиётшуносликда тарихий роман бўйича хилма-хил, айрим ҳолларда ўзаро зид нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим тадқиқотчи ва мунаққидлар тарихий роман марказида тарихий шахс образи зарур, деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Н.Худойберганов Назир Сафаров ижодига бағишланган “Виждон даъвати” китобида шундай деб ёзган: “Тарихий асарнинг бош қаҳрамони қилиб... Белинский айтганидек, йирик тарихий шахс олиниб, улуғвор бурилишларни, катта ўзгаришларни қамраб оладиган воқеалар фонидида очиб берилиши керак”¹.

Ҳолбуки, В.Г.Белинский “Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши” тадқиқотида тарихий романи В.Скоттнинг эпик ижоди асосида баҳолаган ва уни “тарихий романчиликнинг отаси” деб атаган. Вальтер Скоттнинг аксарият романларининг бош қаҳрамонлари эса тарихий шахслар бўлмай, бадий тўқима маҳсулидир.

Жаҳон тарихий романчилиги тараққиёти жараёнида тарихий романнинг, асосан, қуйидаги икки асосий шакли юзага келган ва улар эпик адабиёт майдонида ўз ўрнига эга:

1. Анъанавий тарихий роман (бу атама жаҳон адабиётшунослиги, айниқса, Ғарб эстетикасида “Вальтер Скотт романи” тарзида қўлланилади ва у ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос хусусият касб этиши мумкин).

Ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар анъанавий тарихий роман (“Вальтер Скотт романи”) тарихий романнинг алоҳида бир шакли эканлиги эътироф этилмаган. Бунинг натижасида мазкур бадий-поэтик шаклга тааллуқли асарлар (масалан, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”) тарихий роман

¹ Худойберганов Н. Виждон даъвати. – Тошкент: Ёш гвардия, 1981. – Б. 143-144.

сифатида қабул қилинмайди. Таниқли адабиётшунос Н.Худойбергеновнинг юқорида қайд этилган фикри ҳам “Вальтер Скотт романи”ни эътироф этмаслик туфайли юзага келган.

2. Тарихий-биографик роман.

С.Петров, А.Каттабеков, Л.Прашкович, О.Леонтович, М.Сатторов каби тадқиқотчилар тарихий романнинг тарихий-қаҳрамонлик, тарихий-инкилобий, тарихий-саргузашт, тарихий-фантастик, тарихий-ижтимоий ва бошқа турлари мавжудлигини кўрсатганлар. Аммо бу таснифлар тарихий романнинг ғоявий-бадий мазмунига асосланган бўлиб, улар “Вальтер Скотт романи”да ҳам, тарихий-биографик роман доирасида ҳам бўлиши мумкин.

Марказий Осиё эпик адабиётларида тарихий роман даставвал анъанавий тарихий роман сифатида вужудга келди ва ривожланди. Адабий-бадий жараённинг кейинги босқичларида эса тарихий-биографик роман юзага келди. Бу ўринда тарихий-биографик роман шаклланишида анъанавий тарихий роман асосий манбалардан бири бўлганини таъкидлаш лозим.

А.Қодирий томонидан ёзилган “Ўткан кунлар” Марказий Осиё бадий адабиётидаги биринчи том маънодаги романдир. Мазкур фаслда “Ўткан кунлар” бадиияти, тарихийлиги, эпик кўламдорлиги, фалсафий-бадий концепцияси тадқиқ этилган.

“Ўткан кунлар” – анъанавий тарихий роман, унда мазкур роман шаклининг асосий хусусиятлари мавжуд(муайян тарихий даврнинг тасвири, тўқима бош қаҳрамоннинг асар марказида туриши, айрим тарихий воқеалар тасвири кабилар).

Романда инсонларо ижтимоий-мафкуравий, ахлоқий-маънавий, ҳаётий, инсоний алоқа-муносабатларнинг мураккаб диалектикаси бадий акс этган.

Илк миллий романнинг серқирра, кўламдор бадий-фалсафий концепцияси халқчиллик асосида юзага келтирилган. Ёзувчи тарихни, унинг ҳал қилувчи, улкан ҳодисаларини, аниқ шахсларини қаҳрамон, персонажларни халқ, Ватан манфаатлари, инсонпарвар ғоя ва идеаллар асосида тасвирлаган.

Асарнинг бош қаҳрамонидаги ҳам жисман, ҳам ақлан, ҳам ахлоқий мукамаллик унинг фольклор ва мумтоз адабиётда аждодлари борлигидан далолат беради. Турк, форс-тожик баҳодирлик дostonлари ва афсоналарининг Афросиёб (Алп Эр Тўнга), Рустам, Манас, Алпомиш, Гўрўғли, “Хамса”, “Бобурнома” каби ижод намуналари қаҳрамонлари билан “Ўткан кунлар” нинг марказий образи орасидаги яқинлик, боғланишлар асарлар, адабиётлар орасидаги муштараклик, алоқадорликдан далолат бериб турибди.

Бўлинган халқ, қабилалар, уруғ-қавмларни, мамлакатни бирлаштириш фикри, ғояси роман бош қаҳрамони ва унинг отаси Юсуфбек хожи образларида мужассам қилинган.

Отабек образининг бадий-эстетик вазифаси ва моҳиятини, умуман олганда эса романнинг етакчи фалсафий-адабий концепциясини тушунишда қаҳрамоннинг отаси, муаллиф ғоявий, ижтимоий қарашларининг бадий

ифодачиси Юсуфбек хожи муҳим ўрин тутди. Ижодкор ушбу қаҳрамоннинг ижтимоий фаолияти, мулоқот-суҳбатлари орқали асардаги бош ғоявий-фалсафий концепцияни юзага чиқарган.

“Ўткан кунлар” бадиий оламидаги етакчи ғоя-образлар асосан Юсуфбек хожи образида ифодаланган. Муаллифнинг, тарихий даврнинг илғор қарашлари мазкур характер атрофига келиб йиғилади, тигизлашади, шу тариқа ғоя билан образ туташиб, бирлашиб кетади.

М.Бахтин бундай тоифадаги асарларнинг “монологик бадиий олам”га мансуб эканини кашф этган эди. “Монологик бадиий олам тасвир сифатида ёт фикр, ёт ғояни тан олмайди. Барча мафкуравий қарашлар бундай майдонда икки гуруҳга бўлинади. Бир хил фикрлар муаллиф нуқтаи назарига кўра ҳаққоний, аҳамиятли..., бошқа фикр ва ғоялар эса тўғри бўлмаган, аҳамиятсиздир”¹.

Дунёни, тарихий шароитни “монологик тасвирлаш усули” улкан санъаткор А. Қодирийга ўз даврининг жиддий, оламшумул, инсонпарварлик тафаккурини, романнависнинг хос қарашларини бадиий таъсирчан, қабарик тасвирлаш имконини берган.

Бу усул ўзбек романчилиги асосчиси ижодини монологик тасвирнинг буюк устаси Лев Толстой адабий мероси билан бир сафга қўяди. Қаҳрамон(лар) нуқтаи назарининг ҳамиша объективлиги, ифодаланаётган ҳодиса ва қаҳрамонларнинг муаллиф дунёқарашидан келиб чиқиб тасвир этилиши, инсон, жамият ва борлиқ ижодкор бадиий тафаккурига асосан баҳоланиши ва бадиий тажассум топиши монологик тафаккурнинг бирламчи талабларидан бўлиб, улар мазкур адибларга даврнинг ўткир, долзарб ижтимоий, фалсафий муаммоларини кўтариб чиқиш, бадиий талқин этиш, уларга холис муносабат билдиришга замин яратади.

Ҳаёт ва инсонни монологик тасвирлаш усули романнависларга халқпарвар қарашларни аниқроқ баён этиш, жамият эътиборини долзарб бўлиб турган жаҳоншумул муаммоларга кўпроқ қаратишга кўмаклашганини кўриш мумкин.

Монологик тафаккур, айниқса, А.Қодирий романларидаги қаҳрамонлар бадиий суврати тасвирида ёрқин намоён бўлган.

Ёзувчи қаҳрамон ва персонажларининг ташқи қиёфасига катта ва жиддий вазифа юклайди: сеvimли қаҳрамон ва персонажларнинг зоҳирий қиёфаси ижобийлаштирилади, салбий персонажларнинг қиёфаси эса уларнинг ёвуз ва бадқирдор кишилар эканини таъкидлаб туради.

Инсон қиёфаси, жисмоний тузилиши билан унинг феъл-сажияси, психологиясини мутаносибликда кўриш – “асл эпос”, фольклорнинг эпик жанрлари – асотир, эртақ, халқ дostonлари намуналарига хос муштарак хусусият.

Ҳиндларнинг “Маҳобҳорат” “Рамаяна” асарларида, қадимги юнонларнинг Геракл, Ясон ҳақидаги афсоналари, Ҳомернинг “Илиада”, “Одиссея”, ўзбек қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”, ўғиз халқларининг “Дада

¹ Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Худ. лит., 1986. - С.105.

Қўрқут китоби”да салбий персонажларнинг афт-ангори, равиш-рафтори уларнинг аъмоли, феъли каби беўхшов ва манфур.

А.Қодирий жаҳон фольклори, унинг эпик жанрлар тизимида жуда қадимдан мавжуд бўлган тасвирлаш усулларини ижодий-бадий ўзлаштириб, салбий персонажларнинг ички ва ташқи томонларини бир-бирига мутаносиб тасвир этган.

Бобнинг **“Жаҳон тарихий романчилиги ва “Ўткан кунлар”** фаслида биринчи ўзбек романи поэтикаси, тарихий-эстетик манбалари, бадий олами жаҳон тарихий романчилиги билан алоқадорликда кўриб чиқилган.

А.Қодирий жаҳон тарихий романчилиги ютуқларидан яхши хабардор бўлган. Айниқса, улкан санъаткор Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеясининг бадий олами, тасвир принциплари “Ўткан кунлар” муаллифига мозий – “Ўткан кунлар”ни бадий инъикос эттиришда маълум даражада маҳорат ва намуна мактаби бўлиб хизмат қилган. Тарихий даврни ва инсонни тасвирлашда “Уруш ва тинчлик” ҳамда “Ўткан кунлар” орасида муайян алоқадорлик, муштараклик мавжуд.

Л.Толстой ва А.Қодирий эпик ижодлари орасидаги типологик, генетик-шажаравий алоқадорлик – ижодий-бадий муштараклик кўп қиррали бўлиб, бир қанча аломат ва белгиларни ўз ичига олади.

Бу ҳаёт, мозий тасвиридаги эпик кўламдорлик, инсоният, коинот миқёсидаги бадий мушоҳада, халқ, миллат тарихи, тақдири, келажагининг устувор масалалари, тамойиллари, қонуниятларини қаҳрамон, персонажлар тимсолида мужассамлаштириш, психологик таҳлилнинг изчиллиги, теранлиги, ўтмишга, унинг бурилиш нукталарига, тарихий шахслар ва улкан ҳодисаларга умуминсоний қараш ва идеаллар асосида ёндашиш, ижтимоий (давлат қурилмаси), индивидуал (айрим шахсдаги) ёвузликни инкор этиш қабиларда кўринади.

А.Қодирий ва атоқли шотланд адиби Вальтер Скотт эпик ижодлариаро муштараклик кўп қиррали ва ўзига хос хусусиятларга эга.

А.Қодирий В.Скотт томонидан жаҳон адабиётига олиб кирилган тарихий романнинг бадий шаклини ривожлантирди, унга ислохотчилик нуктаи назаридан муносабатда бўлиб, унинг бадий тасвир мезонлари, принципларини янги давр талаб, эҳтиёжларига мувофиқ янгиледи, ўзгартирди. Шу билан бир қаторда, жаҳон эпик санъатида оммалашган бу йирик бадий шаклнинг ютуқ, тажрибалари, имкониятларидан самарали фойдаланди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”да “В.Скотт романи”га хос тарихий давр ва муҳит тасвири, тарихий маълумот, далилларга асосланган ҳолда бадий тўқимадан самарали фойдаланиш, тарихий шахсларга нисбатан тўқима образларнинг устуворлиги, сюжет динамизми каби поэтик-бадий хусусиятлар мавжуд.

Араб адиби Ж.Зайдон ва А.Қодирий романлари ўртасидаги алоқадорлик ва ўзига хосликларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу назарий муаммони қиёсий-типологик нуктаи назардан ўрганиш адабиётлараро, асарлараро муносабат, яқинликларни аниқлаш билан А.Қодирий бадий ижодининг новаторона моҳиятини чуқурроқ аниқлашга кўмаклашади.

Авваламбор шуни айтиш керакки, бу масала адабиётшунослик томонидан маълум даражада ўрганилган. С.Мирвалиев, И.Мирзаев каби олимларнинг тадқиқотларида ўзбек ва араб ёзувчиси тарихий романлариаро боғлиқлик ва тафовутлар масаласи тадқиқ қилинган¹.

Бизнинг кузатишларимизга кўра, Ж.Зайдон ва А.Қодирий бадиий ижодини ўзаро боғлаб – яқинлаштириб турган асосий аломат ва хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. А.Қодирий сўзлари билан айтганда, ”Миср фузалоларидан бўлган” Ж.Зайдон тарихий романларида ўз мамлакати, халқининг алоҳида аҳамиятга молик даврларини бадиий гавдалантирган.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” эпик асарларида ҳам адиб мансуб юрт ва улуснинг фожиа ва қаҳрамонликларга тўлиб-тошган ўтмиши бадиий ифодаланган.

2. Икки ёзувчи бадиий меросини йирик эпик жанрнинг алоҳида шакли - “анъанавий тарихий роман” ҳам бирлаштиради. Ж.Зайдоннинг ҳам, А.Қодирийнинг ҳам тарихий асарлари айнан мана шу роман шаклига мансуб.

Мазкур роман бадиий тизимига хос сюжет, композиция, бадиий конфликт, характер, тип, эпик манзаралар тасвири асарлар орасида муайян яқинликлар юзага келишига сабаб бўлган.

3. Ж.Зайдоннинг тарихий романлари, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарларида романтизм ва реализм ижодий усулларининг уйғунлигини кўриш мумкин. Қаҳрамонларнинг оғир вазиятларда бахтли тасодиф туфайли ҳалокат, ўлимдан қутулиб қолишлари, уларнинг қиёфаси, руҳий олами, бадиий суврати ёрқин бўёқларда кўтаринки руҳда тасвирланиши реалистик романга Шарқ мумтоз адабиёти, фольклорига хос романтизм бадиий усулининг самарали таъсири деб қаралса, тўғри бўлади.

Юқорида қайд этилган муштаракликларни бадиий адабиётнинг, эпик турнинг, йирик эпик шаклнинг, тарихий романнинг, унинг ўзига хос шакли - “анъанавий тарихий роман”нинг умумтипологик хусусиятлари, шунингдек, адабий таъсир билан изоҳлаш мумкин.

Ж.Зайдон ва А.Қодирий эпик ижодининг қиёсий-типологик тадқиқи шундан далолат берадики, ўзбек романаписи асарлари бадиий қурилмаси муайян ўхшашликлар бўлишига қарамай, араб адиби романларидан жиддий фарқланиб, ажралиб туради.

Ўзбек адиби В.Скотт ва унинг қатъий издоши бўлмиш Ж.Зайдон тарихий романларида асосий ўрин тутган саргузашт мотивларини чеклади. Унинг ўрнига психологизмни кучайтирди, асар муқаддимасида анча чўзилиб кетадиган тарихий муҳит, шахслар тавсифи ўрнига аниқ ва ёрқин эпик манзараларни воқеа тизимига олиб кирди. Тарихийлик принципларига қатъий риоя қилиш орқали тавсифланаётган даврнинг яхлит бадиий манзараларини юзага келтиришга эришди.

¹Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969; Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2004; Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Тошкент: Фан, 1977.

Илк ўзбек романларининг, айниқса, “Ўтган кунлар”нинг Вальтер Скотт романларидан ажралиб турадиган томони шундаки, уларнинг тағзаминига жуда бой, теран, фалсафий, ахлоқий, ижтимоий таълимотлар, назариялар асос қилиб олинган. Адиб асарлари бадиий матни, персонажлари, бадиий қурилмаси, руҳий оламида ислом назарияси ва амалиёти, шариат аҳкомлари, тасаввуф идеаллари тажассум топган.

Бобдаги “Ўткан кунлар” – “Меҳробдан чаён” (матнлараро адабий-бадиий муштараклик) деб номланган фаслда А.Қодирийнинг икки романи ўзаро таққосланиб, анъанавий тарихий роман бадиий оламидаги эврилишлар кўрсатилган.

А.Қодирий “Меҳробдан чаён”да давр (кейинги хон замонлари), мавзу (мозийдаги ижтимоий, маданий ҳаёт, ишқ-муҳаббат) жиҳатдан “Ўткан кунлар”даги бадиий-адабий анъаналарни давом эттирди. Маълум бир маънода “Меҳробдан чаён”ни “Ўтган кунлар”нинг тадрижий-мантиқий давоми деса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, буюк санъаткор ва мутафаккир А.Қодирий жаҳон адабиётида нодир ҳодисалардан бири бўлган янги романчилик мактабини бошлаб берди. Бу адабий мактаб адибнинг йирик эпик романлари билан интиҳо топмади, балки ўсиб, ривожланиб, ўз эпик-поэтик майдонини кенгайтириб, дастлаб ўзбек, кейин бутун Марказий Осиё адабий-бадиий ҳудудини қамраб, эгаллаб борди.

“Меҳробдан чаён”да ёзувчи классик (анъанавий) тарихий романи адабий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаш, унинг бадиий қурилмасини янгилаш, такомиллаштириш, бу роман шаклини замонавий бадиий тафаккур даражаси, мезонларига мувофиқлаштириш ишини давом эттирди. Шу билан бир қаторда, Ғарб ва Шарқ бадиий майдонларида кенг тарқалиб оммалашган ушбу шаклдаги маълум бир бадиий-поэтик хусусиятларни, поэтик-морфологик аломатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Романнавис “Ўткан кунлар”да бўлганидек, навбатдаги йирик эпик асаридан анъанавий тарихий романининг муҳим узв, усулларини сақлаб қолди, шу билан бирга, уларга эркин, ижобий ёндашиб, айрим ўзгартиришлар киритди. Анъанавий тарихий роман сюжет майдонидаги “сир сақлаш”, “эслаш”(ретроспектив) бадиий усуллари, чекланган бўлса-да, саргузаштчилик, воқеа оқимининг айрим жойларда кескин ўзгариши “Меҳробдан чаён” билан “Вальтер Скотт романи” орасидаги адабий-поэтик алоқа-муносабатлар мавжудлигидан дарак бериб турибди.

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” концептуал, сюжет-композицион майдон, давр, жамият тарихи тасвири, ижодий-бадиий концепция, қахрамон (персонажлар) структураси, тарихийлик, мозий, инсонни тасвирлашнинг поэтик принциплари, бадиий пафос, “монологик тафаккур”, тарихий-адабий манба, омиллар, халқчиллик, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзаро туташиб, боғланиб жаҳон романчилигидаги янги поэтик-адабий ҳодиса – “Абдулла Қодирийнинг романчилик мактаби” ёки “янги миллий романчилик мактаби”ни юзага келтирди. Гарчанд бу мактаб ўз генетик-шажаравий асос, эстетик-поэтик заминига эга бўлса-да, унда адабий-бадиий жараён

тараққиёти тарихининг янгича бадиий тамойиллари, адабий-морфологик аломатлари, мустикал структур майдон кўлами пайдо бўлди, мураккаб, XX асрга хос кўп қиррали, бепоён оламида тарихий-ижтимоий жиҳатдан кескин, шиддаткор, давр кун тартибига қўйган, умуммиллий, умуминсоний муаммолар, шарқона-европача муштарак дунёқарашнинг шаклланган, баркамол моделини акс эттирди.

“**Адабий-бадиий анъана ва тарихий роман тадрижи**” деб номланган бобнинг “**Давр ва анъанавий тарихий роман**” деб аталган илк фаслида мавжуд ижтимоий тузумнинг бадиий ижод, бадиий матн структурасига таъсири, адабий-бадиий жараённинг муайян босқичи (XX асрнинг 30-йиллари)да тарихий романчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Зуллисонайн адиб Садриддин Айнийнинг “Дохунда” (1930), “Қуллар” (1933) романлари Марказий Осиё бадиий насрида йигирманчи асрнинг 20-30 йилларидаги сиёсий-мафкуравий, бадиий-поэтик жараён ҳамда мураккаб давр руҳини ўз бадиий оламида акс эттиргани билан маълум бир аҳамият ва ўринга эга.

Шарқ ва Ғарб адабиётларининг улкан поэтик-бадиий манба, воситалари XX асрнинг икки буюк санъаткори – Абдулла Қодирий ва Садриддин Айнийнинг йирик эпик шаклдаги асарларини бирлаштириб, яқинлаштириб туради.

С.Айний эпик оламининг бадиий-эстетик оламига фольклор жанрлари, Шарқ мумтоз адабиётининг турли-туман бадиий шакллари самарали таъсир ўтказган.

Шарқ ва Ғарб эпик анъаналари, тажрибаларининг омухтаси (синтези) бўлган роман мумтоз адабиёт жанрларига хос ва бадиий-поэтик воситаларни ўз ҳудудига киритар экан, уларни композицион, сюжет майдон хусусиятларига бўйсунтиради, шу тариқа роман жанрининг тасвир усулларига айланади. Бу ҳодисани А.Қодирий, С.Айний романларида аниқ кўриш мумкин.

С.Айний – Л.Толстой, О.Бальзак, А.Қодирий каби монологик тасвир устаси. “Дохунда”да ҳам, “Қуллар”да ҳам персонажларнинг нутқи, руҳий кечинмалари, тафаккур тарзида муаллиф тафаккури, дунёқараши зухур этган. Шу асосда мозий, унинг айрим воқеалари, шахслари баҳоланган.

Зуллисонайн адиб ижодидаги монологик тасвир муаллифнинг кўп қиррали, мураккаб давр зиддиятларидан холи бўлмаган бадиий дунёқарашини яққол кўрсатиб турибди.

Адиб “Қуллар”да салбий шахсларни бадиий образ сифатида ишлашда “Дохунда”, умуман, Марказий Осиё тарихий романчилигининг “биринчи тўлқини”га мансуб асарлардан фарқли йўл тутган. Ёвуз тийнатли шахсларнинг ташқи суврати ҳаддан ортиқ даражада салбийлаштирилмайди, асосан, ҳаракат, нутқ, психологик ҳолатларнинг бадиий тасвири орқали уларга муносабат билдирилади.

Марказий Осиё тарихий романининг шаклланиши ва бадиий тадрижида “Дохунда”, “Қуллар” романлари ўзига хос ўринга эга. Улар йирик эпик жанр бадиий оламидаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, инсонни бадиий тадқиқ

этишдаги реалистик принципларнинг устувор бўлаётганини кўрсатиб турибди.

Бобнинг **“Романлараро бадиий алоқа-боғланишлар”** фаслида ўтган асрнинг 30-йилларида юзага келган тарихий романчилик намуналари – “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”нинг “ички” (ўзаро) ва “ташқи” (жаҳон адабиёти) боғланишлари, уларнинг бадиий матн, тарихий роман сифатидаги бадиий-поэтик хусусиятлари тадқиқ этилган.

20-30-йиллар ўзбек романчилиги тараққиётида А.Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” (1934 йил) романи алоҳида ўринга эга.

“Кеча ва кундуз” А.Қодирий асос солган ўзбек тарихий романчилик мактабини бадиий-структурал жиҳатдан ривожлантириш, юқори даражага олиб чиқиш йўлида муҳим, дадил қадам бўлди.

Бу йирик насрий асар тасвирланган давр, бадиий-фалсафий мундарижасига кўра “анъанавий тарихий роман” силсиласига мансуб.

Асарда, О.Шарафиддинов сўзлари билан айтганда, “Туркистоннинг тарихий тақдири ифодаланган”, бу мамлакатнинг “зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаёти”¹ очиб берилган.

Чўлпоншунос Д.Қуроноунинг ёзишича, “тарих юзсизларча сохталаштирилаётган бир пайтда адибнинг инқилоб арафасидаги ва инқилоб йилларидаги Туркистон ижтимоий воқелигини бадиий тадқиқ этишга жазм қилиши... катта ижодий жасорат эди”².

Гарчи, О.Шарафиддинов ва Д.Қуронов “Кеча ва кундуз”га нисбатан “тарихий роман” атамасини истифода қилмаган бўлсалар-да, унинг мозийни бадиий гавдалантирган асар эканини эътироф қилганлар.

Катта истеъдод эгаси, улуғ ватанпарвар Абдулҳамид Чўлпон романчиликдаги устоз А.Қодирий сингари жаҳон адабиёти хазинасидаги маънавий-адабий бойликлардан чуқур хабардор адиб эди.

Мана шу хабардорликни у ижод қилган роман, ундаги ғоят пишиқ бадиий-концептуал асос қўйилган матний-структурал майдон кўрсатиб, исботлаб турибди.

Д.Қуронов Чўлпон насри поэтикасига бағишланган докторлик тадқиқотида “Кеча ва кундуз”нинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Сароб” романлари билан алоқа-боғланишларини кўрсатган. Шу билан бирга, тадқиқотчи бу роман Ғарб романчилигига яқинлашиш йўлидаги дадил қадам деб қайд этган³.

Чиндан ҳам “Кеча ва кундуз” Шарқ ва Ғарб адабий-бадиий анъаналари, ҳаракатларини яхлит бадиий майдонга бирлаштириш, уйғунлаштириш бўйича янгича бир тажриба бўлди. Бундай бадиий тажриба романнинг эпик жанр сифатида улкан бадиий-эстетик имкониятларга эгаллигини, у ўз бадиий

¹ Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. — Тошкент: Ўқитувчи, 1999. — Б. 188.

² Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент, 1998. — Б. 26.

³ Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент, 1998. — Б. 32.

майдонига йирик воқеа-ҳодисаларни, шунингдек, инсон (қаҳрамон) руҳиятининг кўп қатламли фикрий-ҳиссий оқимларини сиғдиришини бадиий ижод тажрибасида яна бир қарра исботлаб, тасдиқлаб берди.

“Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар”дан кейин Марказий Осиё адабиётлараро жараёнида шаклланиб, ривожланиб борган янги (ўзбек) романчилик мактабига мансублигини қиёсий, типологик таҳлил қилиш жараёнида яққол кўриш мумкин.

Роман матни қатламларидаги рангин-қуюқ романтик бўёқ ва тасвирлар ўрнини реалистик, кундалик-оддий ҳаёт манзараларининг эгаллаб бориши, идеал-баркамол қаҳрамон ўрнини рисоладаги(реалистик) образларнинг ишғол қилиши, чуқур психологизм, унинг турли усул воситаларининг матнга кириб келиб, бутун структурал майдонни ишғол этишга киришиши мана шундай баҳрамандликнинг натижасидир.

“Кеча ва кундуз” муаллифи ХХ асрнинг биринчи ярмига келиб романчилик соҳасида катта тажрибага эга бўлган Ғарб – француз, рус, инглиз, немис, америка эпик адабиётларида йирик эпик шакл структураси бўйича изланиш, бадиий тажрибалардан чуқур, ҳар томонлама хабардор бўлган, улардан ўринли, ижодий фойдалана олган. Шу билан бирга, Чўлпон яратган роман миллий заминга эга бўлиб, индивидуал характер, қаҳрамон, типларни ўз бадиий оламига жо қилган, Шарқ адабий-бадиий тажриба, маънавий-бадиий бойликларидан озиқланган адабий-эстетик тизим, ўзига хос бадиий майдондир.

Бинобарин, “Кеча ва кундуз” романининг бундай нуқталарида Шарқу Ғарб бадиий тажриба, адабий захира чизиқлари ўзаро кесишиб, матн майдонида ўзига хос бадиий-поэтик синкретизмни юзага келтиради.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, С.Айнийнинг “Дохунда”, “Куллар”, А.Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романлари Марказий Осиё насрининг янги бир ҳодисаси – “Қутлуғ қон” асарининг юзага келишига замин ҳозирлади.

“Қутлуғ қон” муаллифи романнинг етакчи бадиий-ғоявий концепциясига асосан тарихий воқеликдан жамиятдаги асосий ижтимоий қатлам, табақаларнинг вакиллари ажратиб олган ва эпик жанр талабларига мувофиқ келадиган бадиий образлар тизмасини яратган.

Табиийки, ўз даври – совет ижтимоий-сиёсий муҳити, тузумининг вакили бўлган Ойбекнинг биринчи романида “социалистик реализм”, марксча эстетиканинг бадиий асарга, адабий қаҳрамонга нисбатан муносабати, кўрсатмалари маълум даражада акс этган.

Худди шу сабабга кўра 80–90-йилларда нашр этилган айрим ишларда “Қутлуғ қон” романига мафкуравий, сиёсий дунёқараш маҳсули сифатида қаралди, унинг бадиий яратма сифатидаги ўрни, аҳамияти инкор этилиб, “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” каби етук, шоҳ асарларга қарама-қарши кўйилди¹.

¹Дўстмухаммад Х. Концепцияни янгилаш учун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1990 йил, 16 февраль.

Ойбек романида ҳукмрон тузум ҳамда мафқуранинг муайян таъсири ва таъйиқи ифода топганини эътироф этиш керак, албатта. Шу билан бирга, илмий-объектив, муфассал таҳлил бу романнинг бадиий матн, адабий асар сифатида бир неча қатламлардан иборат эканини кўрсатади.

Ташқи – юза қатламда ижодкор яшаган ижтимоий-сиёсий қурилманинг маълум бир қараш ва ғоялари акс этади, чуқурроқ, ички қатламларда эса умуминсоний, эркпарвар тафаккур, санъаткорнинг инсон, ижодкор сифатидаги бадиий олами ифода топади. Роман бадиий матнининг айнан шу қатламларида Ойбек эпик тасвир устаси, жаҳон адабиётининг илғор бадиий анъана ва тажрибаларини ўзлаштирган истеъдодли адиб сифатида кўринган.

“Қутлуғ қон” – тарихий роман сифатида биринчи галда А.Қодирий, С.Айний, Чўлпон каби ўзбек адибларининг, кенгроқ олганда эса, Шарқу Ғарб эпик анъаналари, ютуқлари, тажриба ва изланишларини ўз бадиий майдонида мужассамлаштирган, уларни янги бир босқичга олиб чиққан йирик эпик асар. Унинг заминиде тарихий, фалсафий фикрлар олами, илғор ва кўп асрлик синовдан ўтган инсонпарварлик дунёқараши туради. Романда улкан ижтимоий аҳамиятга молик тарихий ҳодиса – миллий озодлик ҳаракати ва унинг омиллари бадиий тадқиқ этилган.

“Қутлуғ қон” жанри, роман хили, қаҳрамон, характерлари, бадиий-тасвирий воситалари, портрет (суврат), пейзаж, психологизми билан А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романлари билан муштарак. Бундай алоқадорлик Ойбек ижодининг оригиналлиги ва ўзига хослигини инкор этмайди, аксинча, бу санъаткорнинг миллий романчилик тажрибаларини пухта ўзлаштиргани ва уни янги тарихий шароитда ривожлантирганини тасдиқлайди.

А.Қодирий ва Ойбекнинг йирик эпик асарлари, айниқса, “Ўткан кунлар” ҳамда “Қутлуғ қон” романлариаро адабий-бадиий уйғунлик, энг аввало, қаҳрамон танлаш, қаҳрамонни тасвирлаш усулларининг яқинлигида намоён бўлган. Ойбек романининг бош қаҳрамони бадиий адабиётнинг халқчиллик принципини, инсонни тасвирлаш бўйича янгича ижодий изланишларни ўз бадиий қурилмасида мужассамлаштирган.

Шу билан бирга, бу қаҳрамон фольклор, жаҳон эпик поэзияси, насри, тарихий романчилигининг энг муҳим, асосий хусусиятларини уйғунлаштирган. Йўлчи тимсолида “Ўткан кунлар”даги Отабекка яқин маълум бир жиҳатлар мавжуд. Бу икки қаҳрамоннинг бадиий суврати, табиат-сажияси, ахлоқий қиёфаларини бирлаштириб турадиган ўхшаш аломатлар борки, булар Ойбекнинг характер, тип, қаҳрамон яратишда А.Қодирий романчилик мактабини ижодий давом эттирганини кўрсатиб турибди.

А.Қодирий ва Ойбек романчилигидаги юқоридаги каби ўхшаш жиҳатлар адабий муштаракликнинг “генетик-алоқавий” шакли орқали юзага келган. “Тарихий-адабий бирлик сифатидаги миллий адабиёт”¹ доирасида намоён бўлган бундай муштараклик бадиий-амалий ҳодиса сифатида тарихий-

¹ Дюришин Д. и коллектив. Систематика межлитературного процесса. – Братислава: Веда, 1988. – С. 33.

маданий манбаларга эга. Булар адабий ворисийлик, ягона (жаҳон) бадиий-маданий мерос захираси, умуминсоний қарашлардаги уйғунлик шу кабилардир. Худди мана шундай замин ХХ аср сўз санъатининг яна бир буюк намояндаси Чўлпон ва Ойбек ижодлариаро адабий муштаракликка сабаб бўлган.

“Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон” адабий-бадиий ҳодиса сифатида “тарихий-адабий бирлик – миллий адабиёт”¹ доирасидан чиқиб, “олий тарихий адабий категория”² бўлмиш жаҳон адабиёти оқимиға қўшилди. Бундай қўшилиш жараёнини биринчи навбатда “туркий тил гуруҳи”³га мансуб Марказий Осиё тарихий романчилигининг тадрижий йўли мисолида аниқ кўрса бўлади.

Бобнинг **“Тарихий-биографик роман бадиий оламидаги анъанавийлик ва ўзига хосликлар уйғунлиги”** фаслида ХХ асрнинг 40-50, 60-80-йилларида тарихий романчиликнинг аҳволи, тараққиёт омиллари ҳақида фикр юритилган.

Бой материалга асосланиб ёзилган, жаҳон реалистик насрининг ижобий анъаналарини, ютуқларини давом эттирган “Абай йўли” ва “Навоий” йирик эпик асарлари Марказий Осиё тарихий романчилигининг етук намуналари сифатида дунёға келди.

Икки асар типологиясидаги муҳим бир жиҳат шундан иборатки, уларнинг сюжет тизимиға фақат бош қаҳрамон ва унга бевосита алоқадор шахсларгина эмас, жамият, халқнинг турли табақалари вакиллари образи киритилган. Бу шундан далолат берадики, мазкур романларда ижодкорлар қаҳрамон таржимаи ҳоли, характеринигина эмас, тарихнинг аниқ бир босқичидаги халқ ҳаётининг, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий, психологик манзараларини акс эттиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

“Абай йўли” ва “Навоий” романлари бадиий-генетик жиҳатдан Туркистон романчилигининг дастлабки намуналари – “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, шунингдек, “Кеча ва кундуз”, “Дохунда”, “Қуллар” билан узвий боғлиқ. Айниқса, жаҳон роман хазинасининг энг нодир намуналари билан бемалол беллаша оладиган “Ўткан кунлар” тажрибаси, ундаги образлар, фикрлар, тасвирлаш усуллари ва воситалари “Абай” ҳамда “Навоий”нинг бадиий баркамоллигини таъмин этишда катта ҳисса қўшган.

“Ўткан кунлар”да бўлганидек, “Абай йўли” ва “Навоий”да тарихийлик (историзм)нинг талаб ва меъёрларига амал қилинган. Қаҳрамон, персонажлар фаолияти, психологияси, фаолият йўли, давр ва муҳитнинг энг устувор, етакчи оқимлари, диалектикаси билан алоқадорликда очиб берилган. Тарихнинг ҳаққоний эпик суврати, бадиий манзаралари юзага келтирилган.

Шу билан бир қаторда, “Навоий” ва “Абай” асарлари жанр, сюжет тармоғи, қаҳрамонни тасвирлаш бўйича маълум тафовутларга эга.

¹ Дюришин Д. и коллектив. Ўша асар. - Б. 33.

² Дюришин Д. и коллектив. Ўша асар. - Б. 130.

³ Дюришин Д. и коллектив. Ўша асар. - Б. 32.

“Навоий” эпик турнинг роман, “Абай йўли” эса роман-эпопея жанрига мансуб.

“Абай йўли” роман-эпопея шаклига эга бўлганидан ҳажм жиҳатидан “Навоий”га қараганда кенг ва йирик, ундаги давр тасвири серкўлам. Тўғри, “Навоий”да роман-эпопеянинг айрим белги-аломатлари, хусусан, жамият ҳаётининг кенг манзараларини кўриш мумкин.

“Навоий” романининг хронотопида XV асрдаги Хуросон, “Абай йўли”да XIX асрдаги Қозоғистон ҳаёти бадиий ифода этилган.

Адабий-бадиий жараён тарихи ва унинг тадқиқи шундан далолат берадики, ҳар қандай мукамал бадиий матннинг етакчи қаҳрамонлари ҳам муайян адабий-бадиий тажриба, бадиий адабиёт узок вақт ичида бошидан кечирган ижодий изланишлар заминида юзага келади, шаклланади. Жаҳон сўз санъатининг адабий қаҳрамонлари силсиласи бир-бири билан генетик-шажаравий, бадиий-поэтик ҳалқалар билан жипс боғланган. Бундай алоқа-боғланишлар бадиий адабиётнинг яхлит тизим эканлиги, унинг асрлар давомида ривожланиб, ўсиб боришидан далолат бериб турибди.

М.Авезов роман-эпопеясининг бош қаҳрамонида Шарқ, хусусан, қозок эпоси, етакчи образларига хос типологик жиҳатлар мавжуд.

Аммо “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон” романларидан фарқли равишда улкан эпик шаклдаги бу асарда Абай образи қаҳрамонлаштирилмайди. Бу 40-йиллардан Марказий Осиё тарихий романчилигида “асл эпос” (эпопея) таъсир ҳудудининг маълум даражада чекланиб, унинг ўрнида жаҳон романчилигига хос изчил реалистик тасвирнинг устувор бўлаётганлигини кўрсатади.

Тўғри, “асл эпос”нинг айрим аломат, хусусиятлари бу ва ундан кейинги даврларда ҳам муайян даражада сақлаб қолинди. Улар Марказий Осиё бадиий ҳудудида юзага келган роман намуналари жанрий қурилмаси, қаҳрамонлар характерини шакллантиришда бадиий-поэтик замин бўлиб хизмат қилишда давом этди. Шу билан бирга, Марказий Осиё романида 30-йиллардан бошланган изчил реалистик тасвир 40-йилларда янада ривожлантирилди, унинг янги имконият ва захиралари кашф этилди. Адабий-бадиий жараённинг кейинги босқичларида, хусусан, 60–80-йилларда бу ҳаракат янада фаоллашди, янги хусусият ва ранглар касб этди.

Марказий Осиё тарихий романчилигида 60–80-йиллар – энг серқамров, ижодий-бадиий изланишларга бой босқич. Бу давр сўз санъати мозийнинг энг олис, номаълум қатламларигача етиб борди. Тарихий романчиликнинг мавзу кўлами, имкониятлари кенгайди. Тарихий воқеалар, тарихий шахсларга нисбатан “шўровий синфийлик” тўсиқлари маълум даражада енгил бўлди. “Тақиқ ҳудуди”га айланган айрим мавзулар (чор истилоси, унга қарши миллий озодлик ҳаракатлари) тасвир манбаси бўлиб қолди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, 60–80-йилларда ёзилган ҳамма тарихий романлар бадииятнинг юксак талаблари асосида яратилган, китобхон қалб олаmidан ўрин олган деб бўлмайди. Баъзи романларда ортиқча тарихий тафсилотлар кўпайиб кетиб, бадиий яхлитликка путур етганини, қаҳрамон ва персонажлар образи нотабиий, сохта чиққанини, қалб кечинмалари,

зиддиятлари етарли даражада очиб берилмаганини кўриш мумкин. Бу ўзбек, умуман олганда, Марказий Осиё тарихий романчилигидаги мураккаб ижодий-бадий таракқиёт, йўл танлаш жараёнидаги қийинчиликлардан далолат беради.

“Роман-трилогияда адабиётлараро муштараклик диалектикаси” номли учинчи боб ўз ичига икки фаслни қамраб олган. **“Эпик қаҳрамон ва адабиётлараро муштараклик”** фаслида Марказий Осиё эпик адабиёти, шу жумладан, тарихий романчилигида силсилавий романнинг ўрни, унинг ривожланиш сабаблари ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотнинг илмий-назарий концепциясига мувофиқ қорақалпоқ адиби Т.Қаипбергеновнинг **“Қорақалпоқ достони”** роман-трилогияси тадқиқ этилган.

“Қорақалпоқ достони” ўз даврида адабий жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинган. Асар ҳақидаги тақриз, мақола ва тадқиқотларда роман-трилогиянинг замонавий адабиётдаги ўрни, унда тарих ҳақиқатининг бадий ифодаси хусусида муайян мулоҳазалар баён қилинган. Муаллифларнинг аксарияти **“Қорақалпоқ достони”**да фольклор таъсири мотивларининг устуворлигини қайд этганлар.

Ҳақиқатан ҳам роман-трилогиянинг бадий қурилмаси, воқеа тизими, қаҳрамон ва персонажлар силсиласи Шарқ фольклори эпик шакллари, айниқса, қаҳрамонлик дostonларига тарихий-генетик жиҳатдан алоқадор. Асардаги етакчи персонажлар халқ дostonлари қаҳрамонларига маълум даражада яқин. Унинг воқеа тизимига реалистик тасвирдан фарқ қиладиган ғайриоддий ҳодисалар ҳам киритилган. Фольклорнинг эпик анъаналарини истифода этиш, умуман олганда, ўзини оқлаган, тарих ҳақиқатини бадий тажассум эттиришга ёрдам берган.

Ижодкор роман-трилогия қаҳрамонлари характери бадий акс этиришда сўз санъатининг умумтипология хусусиятларидан унумли, ижодий фойдалана олган. Қаҳрамон тийнати ва фаолиятида жаҳон адабиётидаги ижобий қаҳрамонларнинг етакчи фазилатлари – халқпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик каби хусусиятлар ифода этилган. Туркий тарихий романчиликнинг мумтоз намуналари – **“Ўткан кунлар”**даги Отабек, **“Абай йўли”**даги Абай билан **“Маманбий афсонаси”** бош қаҳрамонини ана шу муштарак жиҳатлар бирлаштириб, яқинлаштириб туради.

“Ўткан кунлар”нинг қудратли бадий-фалсафий олами йигирманчи аср туркий романчилигининг шаклланиши ва таракқиётида муҳим ўринга эга. **“Ўткан кунлар”**нинг қаҳрамон ва персонажлари, тасвир усули, бадий санъатлари, романбop тафаккуридан Марказий Осиё романнывислари таъсирландилар, адиб бадий маҳоратидан ўргандилар. А.Қодирий романчилик мактабининг бадий-эстетик принципларини ижобий ўзлаштирдилар.

Умуман олганда, **“Қорақалпоқ достони”** қаҳрамон ва персонажлари тасвирида **“Ўткан кунлар”** романи бадий образларини эслатувчи баъзи бир хусусиятларнинг акс этиши янги романчилик мактабининг тадрижи, давомийлиги, ворисийлигини кўрсатувчи далилдир.

Бу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, XX асрда ўзбек, тожик, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, туркман адабиётларида яратилган аксарият роман, хусусан, тарихий роман намуналари А.Қодирий томонидан асос солинган “янги романчилик мактаби”га мансуб. Бу қарашни ушбу миллий сўз санъатларида юзага келган йирик эпик шаклдаги асарларнинг тафаккур тарзи (монологик дунёқараш), илк ўзбек романаписи ва унинг издошлари (С.Айний, Чўлпон, Ойбек, М.Авезов...) адабий-поэтик анъаналари давомийлиги қаҳрамон ва персонажлар, миллий ҳаёт тасвиридаги яқинлик ҳамда алоқадорлик каби сабаб ва омиллар тасдиқлаб турибди.

Шунингдек, ушбу фаслда роман-трилогия бадиий концепциясида давр, мафкура билан боғлиқ муайян камчиликлар, уларнинг сабаб, омиллари хусусида фикр юритилган.

Бобнинг **“Силсилавий романда адабий-бадиий анъанавийлик ва ўзига хосликлар тадрижи”** фаслида қозоқ ёзувчиси А.Нурпеисовнинг “Қон ва тер” роман-трилогияси тадқиқ қилинган. Бу асарда жаҳон романчилиги, жумладан, “янги романчилик мактаби” ижодий-бадиий тажрибалари давом эттирилгани, ривожлантирилгани очиқ берилган.

Роман-трилогиянинг бадиий олами кўпроқ жаҳон, айниқса, Марказий Осиё романчилиги бадиий анъаналари, ютуқлари, тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, умумлаштириш заминида юзага келган.

“Қон ва тер” – Туркистон тарихининг туб бурилиши босқичини бадиий акс эттирган, мозийнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга ҳодисаларини реалистик эпик манзараларда жонлантирган роман. Бу улкан тарихий воқеаларни эпик тур жанрларида бадиий гавдалантириш ҳаракати Марказий Осиё адабиётларида XX асрнинг 20-йилларидан бошланган.

Адабий-бадиий жараённинг ҳар бир босқичида эпик ижодкорлар жамиятни ҳаракатга келтирган, ижобий ёки салбий аҳамият касб этган ҳодисаларни фалсафий-эстетик жиҳатдан кашф қилиш, уларнинг инсоният, Туркистон миқёсидаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Жаҳон уруши, инқилобий талотўплар, мустамлакачилик сиёсати оқимида шаклланган ва ҳаракатга кирган миллий озодлик жараёни (чоризмга қарши халқ кўзғолонлари, “босмачилик”) Марказий Осиё тарихий романининг бош мавзуларидан бўлиб қолди.

С.Айнийнинг “Дохунда”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романларида ифодаланган хронотоп 60–80-йиллар эпик адабиётида янги даврнинг бадиий дуёқараши нуқтаи назаридан қайта ишланди, унинг тасвир ҳудуди кенгайди.

А.Нурпеисов эпик тур, унинг роман шаклига хос улкан бадиий тасвир имкониятларидан фойдаланиб, мамлакатнинг, ҳаётнинг етакчи муаммоларини, йирик тамойилларини, халқчил, инсонпарвар образларни бадиий матн таркибига олиб кирди.

“Қон ва тер”нинг бадиий структураси, бош концепцияси, қаҳрамон ва персонажлари қурилмасида жаҳон тарихий романчилигининг Л.Толстой, А.Қодирий, С.Айний, М.Шолохов, М.Авезов, Ойбек сингари вакиллари эпик ижоди тажрибалари, ютуқлари тажассум топганини кўрса бўлади.

Айниқса, даврни, инсонни тасвирлашда “Қон ва тер” билан Л.Толстой, А.Қодирий, Ойбек романлариаро яқинлик, муштаракликни пайқаш мумкин.

А.Нурпеисов жаҳон эпик адабиёти, Марказий Осиё романчилиги тажрибалари, хусусан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги психологик таҳлил принципларини ижодий-бадиий ўзлаштириб, қаҳрамон руҳий оламидаги қатламларни анча чуқур ифодалашга эришган.

Қозоқ бадиий насрининг М.Авезовдан тортиб А.Олимжоновгача бўлган таниқли вакиллари, шу жумладан, А.Нурпеисов эпик ижодига А.Қодирийнинг романчилик тажрибаси, тасвирлаш усуллари, принциплари таъсир ўтказган.

Бобда А.Қодирий ва А.Нурпеисов романлариаро алоқа-боғланишлар тадқиқ қилинган.

“Қон ва тер” роман, қаҳрамон типи, бадиий хронотоп, инсонни тасвирлаш принциплари нуқтаи назаридан “Қутлуғ қон” романи билан ҳам генетик-шажаравий жиҳатдан боғлиқ.

“Қон ва тер” роман-трилогиясида жаҳон, хусусан, Марказий Осиё романларига хос шажаравий-типологик хусусиятларни, бадиий ворисийлик тажрибалари тажассумини кўриш мумкин. Бу романлардаги ворисий ва типологик муштаракликлар бадиий мундарижа, психологизм, сюжет қурилиши, жанр қурилмаси ва бадиий услуб кабиларда, маълум тарихий тараққиёт тафовутларидан келиб чиққан фарқлар билан намоён бўлган.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби **“Тарихий-биографик романда эпик тафаккур тараққиёти”** деб номланган. **“Замонавий бадиий тафаккур ва “Улуғбек хазинаси” романи”** фаслида Марказий Осиё тарихий романчилигининг бадиий-эстетик тараққиёти, такомилли, адабий-бадиий алоқа-боғланишлари ҳақида фикр юритилиб, мана шу муаммолар нуқтаи назаридан О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси” асари таҳлил доирасига киритилган.

XX аср Марказий Осиё тарихий романи бадиий ҳудудида инсоният, мамлакат, халқ мозийсида алоҳида, устувор ўрин, мавқе эгаллаган машҳур зотлар – аллома, мутафаккир, халқ қаҳрамони, давлат ва сиёсат арбоблари образлари яратилди.

Адабий-бадиий жараённинг кейинги босқичларига оид асосий тамойиллар тарихий-биографик романнинг бадиий тараққиёти йўлини белгилаб берди.

Анъанавий тарихий роман сингари тарихий-биографик роман ҳам бир зайлда, муайян қатъий қолиплар ичида ривожланиб қолмай, у ҳам тарихий

давр, бадий тафаккур билан биргаликда ўсиб, ўзгариб борди, янги сифат ва аломатлар касб этди.

Агар Марказий Осиё бадий худудида яратилган дастлабки тарихий-биографик романлар (“Навоий”, “Абай йўли”)да бош қаҳрамонлар (Алишер Навоий, Абай Қўнонбоев) ҳаётининг деярли бутун даври ёки муҳим бир босқичи хронологик изчилликда бадий ифода топган бўлса, кейинги адабий-бадий тараққиёт босқичи (60–80-йиллар)да бу усул сақланиб қолиниши билан бир қаторда тарихий шахс ҳаёти бошқача, янгича йўллар орқали ҳам берилди бошлади. Масалан, ўзбек адиби О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”да қисқа бадий замон тасвирланиб, асосий эътибор бош қаҳрамонлар ва турли персонажларнинг ички дунёси бадий тадқиқига қаратилган.

“Улуғбек хазинаси” тарихий-генетик, бадий-шажаравий, типологик жиҳатдан Марказий Осиё тарихий романчилигининг етук намуналари - “Ўткан кунлар”, “Абай йўли”, “Навоий” эпик асарларига бориб боғланган.

“Улуғбек хазинаси” йирик эпик асар, тарихий роман сифатида янги романчилик мактабига мансуб. Унда мана шу бадий-поэтик тизимга хос типологик, генетик-алоқавий, адабий-бадий хусусиятлар, белги-аломатлар мавжуд. Бу фикр исботини “Ўткан кунлар” ва “Улуғбек хазинаси” романларининг қиёсий-типологик таҳлилида кўра бўлади. Авваламбор, бу икки романни муҳит ва шахс, давлат ва ҳукмдор, уруш ва тинчлик, адолат ва ижтимоий зулм, ишқ-муҳаббат сингари йирик, оламшумул муаммолар ўзаро туташтирган.

“Ўзбек романчилик мактаби”нинг кейинги босқичларидаги вакиллари ўз эпик асарлари учун А.Қодирий, С.Айнидан фарқли равишда тўқима образни эмас, аниқ тарихий шахсни бош қаҳрамон қилиб оладилар. Бу фарқ – тафовутга қарамай, “Ўткан кунлар” билан бу романларнинг марказий персонажлари орасида муштараклик бор.

Давлат, мамлакат, инсоният кўламида фикрлаш, инсонпарварлик “Ўткан кунлар”, “Абай йўли”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар” тарихий романлари қаҳрамонларига хос етакчи хусусиятлардир.

“Улуғбек хазинаси” билан юқорида айтиб ўтилган бадий асарлар, хусусан, “Ўткан кунлар” бадий конфликт орасида типологик, генетик-шажаравий жиҳатдан алоқадорлик мавжуд.

Адабий-бадий анъаналар синкретизми, жаҳон, айниқса, Марказий Осиё романчилиги ютуқларини ўз поэтик структурасида тажассум этган “Улуғбек хазинаси” бадий матн, йирик эпик шакл сифатида бир талай ўзига хос индивидуал хусусият, аломатларга эга. Бу тарихий романнинг бош қаҳрамони, персонажлари сюжет-композицион қурилмаси ва бошқа бадий узвларда намоён бўлган.

Жаҳон эпик адабиёти, хусусан, янгича адабий оқимлар тажриба, изланишлари, бадий ютуқларидан баҳраманд бўлган, уларни жиддий ўқиб-ўрганган адиб инсон руҳиятининг чуқур, мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла манзаралари, эврилиб-ўзгаришлари тасвири, табиийки, буларни эпик сюжет имкониятлари билан қўшиб, далиллаб бериш орқали романга хос тафаккур кенгликларини яратишга эриша олган.

Психологизмнинг чуқурлиги, кўп қирралилиги, кўламдорлиги, роман бадий структурасидаги етакчи, ҳукмрон ўрни “Улуғбек хазинаси”ни замонавий Ғарб адабиётида кенг ўрин эгаллаётган “онг оқими” насри билан алоқадорлиги, генетик-шажаравий боғлиқлигига гувоҳлик беради.

“Онг оқимининг бадий ифодаси, – деб ёзади бу соҳанинг ўзбек адабиётига кириб келишини махсус тадқиқ этган Т.Жўраев, – ёхуд бадий реаллашуви ёзма матн шаклларида яна онг оқимини ташкил қилади. Бундай адабий асарларда, шундай қилиб, персонаж онг оқимига дуч келади. Мазкур онг оқими энди билвосита автор томонидан қайта яратилган онг оқимидир. У адабиётда шу қадар эркин ва мустақилки, энди у муаллифга “бўйсунмайди”, автор унга буйруқ бера олмайди, ўз измига сола олмайди, аксинча унга тўла эрк беради”¹.

“Улуғбек хазинаси”даги “онг оқими” аломатлари, асосан, персонаж нутқи ва у билан боғлиқ бадий тасвирларда ифодаланган.

Бош қаҳрамон психологизми ички монолог, хотира, туш каби бадий унсурлар орқали юзага чиқарилганки, буларнинг барчаси мазкур романи “онг оқими” намуналарига яқинлаштириб, туташтириб турибди.

Бош қаҳрамон тасвиридаги психологизмнинг кенглиги, чуқурлиги, кўп қирралилиги сюжет драматизми, бадий хронотоп, ёзувчининг бадий-фалсафий концепцияси кабиларга боғлиқ.

Бобнинг **“Роман-дилогияда эпик майдон кўламдорлиги ва муштарақлик қирралари”** фаслида П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” романларида бош қаҳрамон бадий қурилмаси, матний-структурал муносабатлар, мазкур йирик эпик асарларнинг маданий-адабий манбалари каби муаммолар таҳлил қилинган.

Пиримкул Қодиров томонидан ёзилган “Юлдузли тунлар” (“Бобур”) бирмунча белгилари билан “Улуғбек хазинаси” романига муштарақ. Иккала асар ҳам тарихий романнинг тарихий-биографик шаклига мансуб. Яратилиш (ёзилган, нашр этилган) вақти ҳам бир-бирига яқин. Ижодкорларининг таржимаи ҳоллари, бадий ижод бўйича уриниш-ҳаракатларида ҳам боғлиқликлар бор.

“Юлдузли тунлар” (“Бобур”)нинг бевосита давоми бўлган “Авлодлар довони” (“Ҳумоюн ва Акбар”)да П.Қодировнинг дастлабки тарихий

¹ Жўраев Т. Жеймс Жойс. — Тошкент: Наврўз, 1993. — Б. 8.

романидаги мавзу, хронотоп, фалсафий-бадий концепция давом эттирилди. Натижада роман-дилогияда темурийларнинг уч авлоди (Бобур-Ҳумоюн-Акбар) ва халқ тарихининг йирик даври бадий ифодаланди.

“Юлдузли тунлар”да бўлганидай, ”Авлодлар довони” билан Марказий Осиё тарихий романчилигининг энг яхши намуналари (“Ўткан кунлар”, “Дохунда”, “Навоий”, “Абай йўли”)ни қаҳрамоннинг бадий структураси, шахс ва муҳит муносабатлари тасвири, халқ ҳаётини кенг эпик кўламда тасвирлаш, ижобий ва салбий персонажларнинг аниқ ва қатъий чизгилар билан ажратилиши сингари хусусиятлар яқинлаштирган.

Айниқса, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Абай йўли” “Улуғбек хазинаси” романларининг марказида турган давлатчилик, ҳукмдор ва жамият, муҳит муаммолари “Авлодлар довони”да ҳам тарихийлик ҳамда бадийлик принципларига асосан инъикос этилган.

Адиб бобурийлар сулоласининг вакили Акбар образини аниқ илмий, тарихий манбалар асосида мозий ҳақиқатига мувофиқ тасвирлаган.

Тарихий роман бадий концепцияси марказида “Алпомиш”, “Илиада”, “Рамаяна”, “Маҳобҳорат” эпосларидек, энг аввало, инсоният учун муҳим ва долзарб бўлган уруш ва тинчлик муаммоси кўйилган. Эпопеяда бўлганидек, романда мамлакат, башарият, халқ тинчлигини ўйлайдиган ва шу йўлда фаол ҳаракат қиладиган одамлар бир гуруҳга, аксинча уруш, низо, адоват туйғуси, мақсади билан яшайдиган кимсалар бошқа гуруҳга бўлинган. Мана шу гуруҳлараро ижтимоий-сиёсий, дипломатик, шахсий-эмоционал муносабатлар “Авлодлар довони”нинг асосий сюжет оқимини ҳам, етакчи бадий конфликтини ҳам юзага келтирган.

Бундан ташқари, бу тарихий романдаги анча кенг, батафсил жанг манзаралари, уруш жараёнида иштирок этаётган саркарда ва аскарларнинг хатти-ҳаракатлари, руҳий-ҳиссий ҳолатлари, шунингдек, қаҳрамон ва персонажларнинг дунёқараши, улар эътиқод кўйган ёхуд рад этадиган таълимотлар, нуқтаи назарлар, фалсафий-интеллектуал, диний-ахлоқий мушоҳадаларда ҳам муаззам эпопеяга хос айрим белги-хусусиятлар мавжуд.

“Асл эпос”нинг аксарият намуналари – “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”, “Илиада”, “Алпомиш”да маъбуд ва маъбудалар, авлиёлар, чилтанларнинг руҳлари заминдаги воқеаларга, етакчи қаҳрамонларнинг ҳаёти, фаолияти, курашларига ёрдам берадилар, уларнинг тақдирига таъсир кўрсата оладилар.

“Авлодлар довони”, умуман олганда, миллий романчилик мактаби намуналарида афсонавий, илоҳий сиймолар, зотларнинг қаҳрамонлар ҳаётига бевосита аралашishi, уларга кўмаклашishi ва таъсир қилиши йўқ. Бу, биринчи навбатда, эпопея (эпос) ва роман жанрларининг, романтизм ва реализм ижодий методларининг тафовути билан изоҳланади.

Янги давр ва янгича тафаккурнинг меваси бўлган роман ўз бадий ҳудудига заминий муносабатларни, инсонга, реал ҳаётга хос воқеаларни,

реалистик инсонлар образларини қабул қилди. Тўғри, роман, шу жумладан, тарихий роман бадиий майдонида ғайриоддий воқеалар, афсона, ривоятлар, илоҳий, мистик сиймолар иштирок этиши мумкин. Аммо бундай ҳодиса ва образларнинг иштироки эпос (эпопея) жанри намуналарида бўлганидек ҳал қилувчи, етакчи ўрин ҳамда аҳамиятга эга бўлмай, улар инсон тафаккури, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Прагматик, диалектик дунёқараш таҳлил ҳудудига тортилади ва янги давр, янги инсон онг даражаси, интеллектуал савияси нуқтаи назаридан бадиий-фалсафий хулосалар, ечимлар ишлаб чиқилади.

“Авлодлар романи” XX асрнинг биринчи чорагида юзага келган ва улуг санъаткор Абдулла Қодирий тамал тошини қўйган ҳамда кейинроқ бутун Марказий Осиё бадиий майдонини қамраб олган “янги романчилик мактаби” тараққиётининг муайян бир давр (ўтган аср) бўйича адабий-бадиий изланишлар, йўл танлашлар, мазмун ва шакл бўйича тажрибалар йўлининг интиҳоси, якуни деса ҳам бўлади. У, авваламбор, Пиримкул Қодировнинг ўзига хос ижодкорлик истеъдоди, изчил меҳнати, миллий, инсоний жасорати маҳсули бўлиб юзага келган.

Шунингдек, бу тарихий роман бадиий оламида 60–80-ҳамда 90-йиллардаги адабий-бадиий жараённинг, романчилик тараққиётининг бадиий-поэтик, фалсафий-диалектик савияси, анъана ва янгиликлари мужассам бўлган.

Бундан ташқари, бу романнинг бадиий структурал кенгликларида “асл эпос”(эпопея), жаҳон адабий-бадиий жараёни, айниқса, романчилигининг бадиий-поэтик, фалсафий тажрибалари, ютуқлари, бадиий принциплари ҳам ифода топган.

